



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

И.Р.Эргашевни Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Исматилла Раимович Эргашев Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 7 декабр

2004 йил 8 декабр, чоршанба № 196 (1829)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТТИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан 7 декабр куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

БУЮК ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди. Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллиги тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва тамойилларни, олдимишга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунириш, тарғиб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Зеро, Бош Қонунида белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимида, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг баста-саодати бол ҳоғлардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Инсонпарварлик ҳоғлари билан йўғрилган ислохотлар жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг бунданда фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз бошлаган ишларимизни кенг кўлабда, жадвал суръатлар билан давом эттириш борасида олдимизда турган муҳим масалаларга эътиборни қаратди. Неча йилдири, халқимиз янги йилни янги бир ном билан кутиб олади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бундай эзгу анъана замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига этиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр ва мурувват туйғуларини юксалтириш ҳисси мурассам.

Яқунига етаётган Меҳр ва мурувват йилида юртимизда меҳр-оқибат ва эзаро ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ноғиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришилди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур юртдошларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги - 2005 йилни мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилишни тақдир этди. Юртбошимизнинг бу тақдирини йиғилганлар гулдурас қарсақлар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан яқунланди.

(ЎЗА)

Ассалому алайкум, қадри юртдошлар! Муҳтарам дўстлар! Мен ҳам сиз, азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улғу айём - Конституциямизнинг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Рухсат берсангиз, Ватанимизнинг Асосий Қонуни ҳақида ҳозиргина маърузани тўлиқ қўлаб-қуватлаб, Конституциямизга, бугунги ҳаётимизга бевосита алоқиси бўлган баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун Конституциямиз қафолатлаб берган вазифалардан энг муҳими - халқимизнинг ҳаётини яхшилаш, унинг фаровонлигини босқичма-босқич юксалтириш мақсадида қилаётган ва қилиш керак бўлган ишларимиз ҳақида сиз, азизлар билан фикрлашиб олмақчиман.

Шу борада яқин тарихимизда кенган йўлимизга бир назар ташлайлик. Бизга эски тузумдан ҳар томонлама заиф, бирёқлама ривожланган, бошқаларга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб, ўлкамиз асосан арзон-ғаров ҳомаш ётказиб берадиган худудга айланиб қолганини барчамиз яхши биламиз.

Эҳтиёжимиз учун зарур бўлган товарларнинг 80 фоиздан кўпроғи, жумладан, галла ёки ун, шакар, гўшт ва сут маҳсулотларидан тортиб, хатто тузгача, деярли барча озиқ-овқат ва асосий санаот молларини ташқаридан келтиришга мажбур бўлганимизни ҳали кўпчилик эсидан чикаргани йўқ, деб ўйлайман.

Иқтисодиётни, аввало, ишлаб чиқариш соҳаларини оқилона ташкил қилиш, уларга юқсак технологияларни кириб эйтиш, шу асосда замонавий корхоналар барпо этиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос, халқаро бозордаги рақобатга бардош бера оладиган тизимни яратиш биздан, шубҳасиз, катта вақт, меҳнат ва шижоатни

талаб қилди. Ана шу эски, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик ва ўта марказлашган тақсимот тизимидан воз кечиш, бутун дунё яшаётган, бозор иқтисодиёти муносабатларига қурилган тизимга ўтиш, миллий давлатчилик бошқарувини ташкил қилиш, лўнда қилиб айтганда, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини, эркин иқтисодиётни қуриш биз учун бугун ҳам осон кечаётгани йўқ, десақ, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Шундай шароитда ҳам, қандай қийин бўлмасин, ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз ойлук иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ҳар йили маълум даражада ошириб боришга имкон топа олди ва имкон топмоқда.

Албатта, иқтисодиётдан узок бўлган баъзи одамлар назарида ойлук иш ҳақини ошириш ҳар қандай вазиятда ҳам энг маъқул йўл бўлиб туюлиши мумкин. Биз ҳам бошқа баъзи бир давлатларга ўхшаб, реал иқтисодий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ойлук иш ҳақи даражасини қайта-қайта кўпайтиришга қарор қилишимиз мумкин эди.

Лекин биргина оддий ҳақиқат, яъни молларнинг ошиши билан бозорда сотиб оладиган мол-товарлар етиш-маса, бундай ҳолат фақатгина зиён етказиши, бошқача айтганда, нарх-навонинг ошишига олиб келишини тушуниш қийин эмас.

Нега деганда, 90-йилларнинг бошида ана шундай ҳолат рўй бергани оқибатида нархлар чегарасиз тарзда кўтарилиб кетганига барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлган эдик.

Бугунги кунда иқтисодиётимиздаги вазият кескин ўзгармоқда. Кейинги йиллар давомида юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини, сўнги беш-олти йил мобайнида макроиктисодий барқарорликка эришганимизни кўпгина нуфузли халқаро иқтисодчи ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Ислохотларни чуқурлаштиришда, хусусий мулкка, кичик бизнес ва фермерликка кенг йўл очиб беришда, пул муомаласини, миллий валютани мустаҳкамлаш йўлида, молия ва банк тизими соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган кескин қадамлар қўйдиқ.

Шулар қаторида илгари четдан олиб келинадиган қўпгина товарлар ўрнига ўзимизда қурилган замонавий корхоналарда маҳаллий ҳомаш ётказиб бериш, экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани, уларнинг ҳажми ва миқдорининг кўпайиши - буларнинг барчаси хорижий инвестициялар келишининг кескин кўпайишига, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларга, инфляциянинг жиловланишига, олтин-валюта захираларимизнинг ортиб боришига олиб келмоқда.

Бу борада айниқса сўзимизнинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларимиз бугун сўзсиз ўз ҳосили ва самарасини бермоқда. Мана шу вазият ва юришларимизни тасдиқлайдиган баъзи бир рақам ва кўрсаткичларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло, Ўзбекистон аҳолисини сони шу йилнинг охирига бориб 26 миллионлик марпанч эгаллаши кутилмоқда. Аҳолимизнинг йиллик ўсиши эса охириги беш йил давомида ўртача 101,2 фоизни ташкил этди. Реал ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 104,8 фоиз, киши бошига ҳисоблаганда эса 103,5 фоизни ташкил қилди.

Халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан тахминан икки марта кўпайгани ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланганимиз эвазига жорий йилда инфляция суръатлари 4,0 фоиз атрофида ошмайдди.

Барча эришилган ютуқ ва марраларимизнинг пировард натижасининг ифодаси бўлиши аҳолимизнинг реал даромадлари кейинги беш йилда 210,0 фоизга ўсди. Бундай ҳолат барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Лўнда қилиб айтидиган бўлсак, иқтисодиётимизнинг тобора мустаҳкам бўлиб бориши олдимизда турган бар-

ча долзарб, ўзининг ечимини кутаётган муаммоларни ечишга, шулар қаторида ишчи ва хизматқорларимизнинг иш ҳақини, кексаларимизнинг пенсияларини, студентларнинг стипендияларини, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами учун нафақа пулларини оширишга, умуман, ижтимоий масалаларни ижтимоий билан ҳал этишга, халқимизнинг оғирини енгил қилишга олиб келади, албатта.

Азиз дўстлар! Хеч шубҳасиз, ўзимизнинг машаққатли меҳнатимиз туфайли эришилган натижалар барчамизнинг ҳаракатимизга ҳаракат, ғайратимизга ғайрат ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Шу билан бирга, бугунги вазият барчамизни ўзимизга бўлган талабчанлигимизни асло сусайтирмасдан, бошлаган ишларимизни кенг қўлаб, жадвал суръатлар билан давом эттиришга даъват этди.

Қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Мақсадларимизни, ният-орзуларимизни сўзсиз амалга ошириш учун нима-ларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур?

Биринчидан - бошлаган ислохотларимизни янада тезлаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси. Аввало, иқтисодиётимизда хусусий мулк улушини ошириш, мулк эгаларининг фаолият эркинлигини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, кишлоқ ҳужалиғида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш. Бу йўналишларда йўлимизни тўсиб турган барча гов-туғанокларни олиб ташлаш.

Иккинчидан - одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимига ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, уларнинг масъулиятини ошириш, давлат идораларининг иқтисодиётга ноқулай таъсирини кескин қўйиш, қўп ҳўқуронлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қўпгина итот қилиб яшаш барчамизни кун тартибига қўйишига эришмоғимиз даркор.

Масалани айнан шундай кескин қўйишга барча асосларимиз бор.

Ҳаммангизга маълумки, кўшма корхонаси директори Собиржон Исмоилов. - Корхона Гулистон шаҳри ва атрофдаги қишлоқлардан 400 дан ортиқ ёшларни иш билан таъминлайди. Уларнинг аксарияти Германиядан келган мутахассислар бошчилигида ўқитилди.

Янги корхона ҳомаш сифатини назорат қилиш ва сифатли ип олиш учун энг мақбул қоричималарни тайёрлашни таъминлайдиган лаборатория билан ҳам жиҳозланган. Шу боис бу ерда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қафолатланган.

Янги кўшма корхонанинг очилишида ушбу ҳокими А.Жалолов, «Ўзфармасаноат» уюшмаси раиси К.Шодиев, Швейцариянинг Фавкуллда ва мухтор элчиси П.Буржард иштирок этди.

(ЎЗА)

ВАТАНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Озод юртта, эркин ва бахтиёр халққа улғувор байрамлар ярашади. Катта шодийналар катта тўхталар билан янада гузалди. Энг улғу ва энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги борасидаги эзгу ишларга улкан ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юқсак мукофотлари билан тақдирланган эди.

7 декабр куни Оксарой қароргоҳида ана шу юқсак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Авалламбор, сизлардек эл-юртимизнинг муносиб вакиллари билан, Ватанимизнинг энг юқсак фахрий унвон ва мукофотларига сазовор бўлган инсонлар билан қўришиб турганимдан бахтиёр эканимиз изҳор этмоқчиман, - деди Президентимиз. - Ҳар йили барчамиз учун муқаддас бўлиши Ўзбекистоннинг Мустақиллик кўни муносабати билан юқсак унвон ва мукофотларга сазовор бўлган юртдошларимизни айнан Конституция бай-

рам билан тақдирланган барча-барча ватандошларимизни ўз бағрига сиғдиришмайди. Аммо мен шу ҳаёгонли дақиқаларда мана шу залда тўпланган сиз, азизларнинг тимсолингизда бугун мукофотларга сазовор бўлган барча юртдошларимизни кўраман ва уларнинг ҳаммасини чин қалбимдан, юрагимдан қутлайман, деди Президентимиз.

Биз бугун мамлакатимизнинг энг олий мукофоти «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган унвон билан тақдирланган моҳир темирйўлчи-машинист Тўлқин Иброҳимов, жонқуяр муаллими Анор Маҳмудова, миришқор ҳеҳқон Абдураим Хамидов, элимизнинг ардоқли шоири Иброҳим Юсуфнинг номини катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Бу йил ҳам кейинги пайтда шаклланган қўлтуғ анъанани давом эттириб, ўзининг фи-



ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Сирдарё вилояти марказида «Сайчунмедтек» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси очилди. У пахта толасини қайта ишлаш ҳамда йиғирилган ип ва мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қўшма корхона «Ўзфармасаноат» уюшмаси ва Швейцариянинг «EWI Eastwest Interaction AG» компанияси таъсис этди. Лойиҳанинг умумий қиймати - 7,2 миллион евро. Корхонада Германиянинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқарилган юқори унумли техноло-

гик усқуналар ўрнатилган. Ҳамма цехларда ҳаво алмаштириш тизими, совутич усқуналари монтажи яқунланди. - Тўлиқ қувват билан ишлаганда корхонамиз ҳар ойдан экспортга 470 тонна сифатли маҳсулот етказиб бера олади, - дейди «Сайчунмедтек»

(Давоми 2-бетда)

Бугуннинг одамлари

«Йиллар силсиласи кўнгиротликларни не қўйларга солмади, дейсиз. Босқинчилик ҳужумлари тинкани куритди. Алломишу Барчиноилар авлоди беповён саҳрода сарсон кезиб, Туркистон тарафларга бориб қолдилар. У ерда ҳам мусофирни биров сийламади. Юртма-юрт кездилар. Замонлар ўтди, кўнгиротликлар турли тарафга тарикдек сочилиб кетди. Туркистон, Қашқа ва Сурхон вохалари, Фарғона водийси, Самарқандда хозиргача авлодлари бор. Уларнинг қатта қисми она юртга, Оролбўйига қайтишди. Биз шуларнинг бир бўлагимиз», деб хикоясини тугатди «Кўнгиротласи» очик хиссадорлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси раиси Пўлат ога Бойлепов.

фар жажжи ўгил-қиз тарбияланмоқда. Мудира Гулжаҳон Избосарова бошчилигида жажжилар масканида намунали ишлар амалга ошириляпти. Гуруҳ хоналари зарур жиҳозлар, ўйинчоқлар билан тўлиқ таъминланган. Тиббиёт ҳамшираси Венера Машарипова болакайлар саломатлиги йўлида астойдил ишламоқда. Тиббиёт хонасида

Мирзачўл тумани жорий йилда пахта тайёрлаш йиллик режасини шараф билан адо этди. 32 минг тонналик улкан пахта хирмони бунёд этилди. Эришилган галабага тумандаги «Галаба», «Мирзачўл осмони», «Каримбек», «Нур Сапар», «Хатирчи», «Хумо», «Мардон» каби юзлаб илгор фермер хўжаликлари қатта ҳисса қўшдилар. Айти пайтда ҳам дехқонлар дала юмушлари билан банд. Қиш фасли – иш фасли. Мавжуд техника воситаларини келгуси йил мавсумига тайёрлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. «Пахтазор» агрохизмат маркази устахонаси дехқонлар билан гавжум. 14 та сеплка, 34 та трактор, культиватор, чизель, борона каби техника воситалари таъмирланаяпти. Бу ишга 40 нафар чилангар, механизаторлар жалб этилган.

Суратда: механизатор Иброҳим Юсупов. Н.БҲҲИБОВ олган сурат



КўНҒИРОТЛИКЛАР

Унинг гаплари нечоғлик ҳақ – ёлғиз Яратганга аён. Аммо самийи, очик кўнгил бу кишиларнинг тарихи залворли ва машаққатли бўлганлиги аниқ. Зеро, Кўнғиротда бўлиб, меҳмондуст, ажайиб инсонларнинг сўхбатидан дил қонди. Атоқли қоракалпоқ шоири Ибройим Юсуповнинг қўйидаги сатрлари беихтиёр кўнгил кўзгусида айланаверди: «Калпоғим қора, кўнглим оқ...» Дарҳақиқат, қалпоғи қора бўлса-да, дили пок, нияти пок бу кишилар бугун амалга ошираётган улғувор ишлар эҳтиромга, тахсинга сазовордир.

зарур дори-дармонлар, массаж, ингаляция, УВЧ, СВЧ аппаратлари шай қилиб қўйилган. Ошхонада хўшхур, қувватли, тўйимли таомлар тайёрланади. Бу ерда услубий ишлар ҳам тўғри ташкил этилган. Қизиқарли, болани фикрлашга ўргатадиган машғулотлар мунтазам ўтказиб турилибди. «Жажжи гўзал», «Соғломжон - полвонжон», «Балли қизалоқ» каби ўйин-машғулотлар, кўрик-танловлар болаларга қатта қувонч, ҳаяжон бағишламоқда.

Иқболхон асли наманганлик. Зиёлилар оиласида туғилган ўси. Отаси Йўлчибой ака биология фани ўқитувчиси. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони соҳиб. Оилада беш фарзанд олий маълумоти биология ўқитувчилари. Бундай аъёна Иқболхоннинг бугунги оиласида ҳам давом этмоқда. Олий ўқув юртида ўқиб юрган пайтларида самарқандлик Пирназар исми йигит билан танишди. Сўнг турмуш қуршиди.

Касаба уюшма фаоллари

нинг зукколиги, тиришқоқлиги туфайли жамоа эътиборига тушди. Биология фанини ўқитишда юқори самарадорликка эриша олди. Мактабда ушбу фан бўйича тестлар блокчини яратди. Ҳар бир

лағ иктисод қилинади. Заовод йилига 100 минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариши кўзда тутилган. Бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжизмини қондирибгина қолмай, балки хорижга экспорт қилиш имкониятини ҳам яратди. 1400 нафар киши иш билан таъминланади. Улкан қурилишда жавлон ураётган кишилар учун қулай шарт-шароитлар муҳайё этилган. Умумий ётоқхона, оилалилар учун ҳам алоҳида ётоқхона, ошхона, дуқоналар, тиббиёт масканлари, боғча, мактаб, новвойхона, сартарошхона, кўйинчи, барча қулайликлар яратилган. Хитойликларга хизмат қиладиган ошхонада хитойча таомлар пиширилади. Туман дехқон бозори улкан карвонни эслатади. Бу ердаги одамларнинг ҳисоби йўқ. Бозорқўм Тўқсонбой Қўлжонов савий-харакати ўлароқ бозорда таъмир ва қурилиш ишлари бошланган. Айтганча, унинг бу ерга раҳбар бўлганига кўп бўлгани йўқ. Утган қисқа вақт мобайнида қатъий тартиб ва интизом ўрнатилди. Савдо усти ёпиқ жойларда амалга ошириляпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар маҳсуус текширувдан ўтказилган. Худуд тозалик қондаларига тўла жавоб беради. Тушум ҳам ёмон бўлмаляпти. Шу боис бозор маъмурияти савоб ишлардан четда қолмаётти. Мисол учун, болалар спортини ривожлантириш жағмараси ҳисоб рақамига 250 минг сўм ўтказилди, ижтимоий химояга муҳтож оилаларга 725 минг сўм микдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Туман ҳақ таълими бўлимига қарашли «Юлдузча» болалар боғчасида 119 на-

Икки мутахассис, биология ўқитувчилари қалб амери билан Мирзачўлга ишга келишди. Мана қарийб 10 йилдирки, улар Дустлик туманидаги Аҳмад Яссавий номи 8-умумий ўрта таълим мактабиде ёшларга биология фанидан сабоқ бериб келмоқда. Мактаб 1974 йилда ташкил этилган. Айти пайтда 52 нафар ўқитувчи 826 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия беришляпти. 14 та фан кабинетлари, компьютер синфлари, ёпиқ спорт зали, спорт майдончалари ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Мактабнинг собиқ ўқувчилари Олимжон Раваонов ва Комилжон Суноновлар миллий кураш бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони бўлишган. Яна бир собиқ ўқувчи

МУНАВВАР ТОЛЕ

Нафиса Жўраева қаратэ бўйича Республика чемпиони. Мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Турғун Қосимов Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлди.

Мақтабда спортнинг олти тури бўйича тўғрақарлар ташкил этилиб, унга 154 нафар бола жалб қилинган. Шунингдек, 6 та фан тўғрақарлида 90 нафар ўқувчи шуғулланмоқда. Иқболхон Абдурахмонова қисқа фурсатда ўзи-

дас машғулотини кўргазмали қуроллар асосида ўтишга ҳаракат қилади. Иккита услубий қўлнамалар муаллифи ҳамдир. Яқинда вилоятда бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловиде қатнашиб, ўзининг маҳоратини ҳайбат аъзолари олдида намойён қила олди. Ушбу танловнинг вилоят босқичи мутлақ голиби деб топилиб, республика босқичига йўланмани қўлга киритди. Иқболхон учун бу йил энг омадли ва қутлуг келди. Касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида жамоа уни

«Кўнғиротсода» завод қурилиши шиддат билан давом этаёттир. Бунёдкорлик ишларини келгуси йилнинг апрел-май ойларида ниятсизга етказиш мўжлалланаяпти. Хозирда бу ерда 167 нафар хитойлик мутахассис кўнғиротликларга қўмақлашмоқда. Яна 720 нафар ўзбек, қоракалпоқ, рус ва бошқа миллатга мансуб қурувчилар завод қурилишида тер тўкишляпти. Бундан ташқари, 86 нафар бўлгуси қорхона ишчини ҳам қурувчиларга қамарбаста бўляпти.

Шарофат ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПЙАЙМОҚДА

Янгийўл шаҳрида жойлашган «Янгийўл-сут» хусусий қорхонаси истеъмолчиларга ўз маҳсулотларини тақдир эта бошлады. Қорхонада янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушиши, қўшимча ишчи ўринлари барпо этилиши ва ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш қўламининг кенгайтирилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда. Ҳозирги вақтда 30 нафар ишчини бирлаштирган жамоа ишлаб чиқариш топшириқларини доим ортиғи билан адо этмоқда. Қорхонада ишлаб чиқариш қуввати оширилганлиги боис, янги маҳсулотлар тайёрлаш йўли қўйилди. Илгари ўн икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликде уларнинг сон 20 га етди. Амалга оширилган техникавий тадбирлар туфайли ҳозир бир кеча-кундузда 6-7 тонна сут қайта ишланиб, қаймоқ, творог, пишлоқ, қатиқ ва бошқа шу каби маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб бериляпти.

Мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида амалга ошириляётган ислохотлар қасаба уюшмаларини ҳам четлаб ўтмади. Зеро, бу ташкилот фаолияти ҳам замона мос бўлиши керак. Утган йили вилоят тармок кўмитаси қасаба уюшма Марказий кўмитасининг вакилликига айлантирилди. Янгица иш услубига ўтиш осон эмас. Аммо унинг афзалликларини эътироф этиш шарт. Энг аввало, қозғобозлик, бюрократик тўсиқлар қамайгани айти мудоа бўлди. Қасаба уюшмалари учун жонли, амалий иш ҳамма нарсасида муҳимроқдир.

Хисобот даврида тармокда қасаба уюшма аъзолари сони ўсиб, 25842 нафарга етди. Бу эса фаолларимиз олиб борган ишларнинг самарасидир. Жамиятдаги ўзгаришлар туфайли қасаба уюшмалари ўзларининг ҳақиқий ва зифалари билан машғул бўлишмоқда. Яъни меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини химоялаш биринчи ўринга чиқаяпти. Илгари қасаба уюшмалари давлат томонидан имтиёзли ажратиладиган моддий неъматларнинг, шунингдек, давлат ижтимоий суғурта маблағлари хисобидан бериладиган саноатий йўланмаларини тақсимлаш билан шуғулланарди. Бу ҳол қасаба уюшмалари ҳақида «таъминотчи ташкилот» деган тушунчани шакллантириб қўйган.

холларда ишдан ташқари вақтда ҳам ишлашига, бу ҳол қонун талабларига мос бўлишига қаратилди. Тармокдаги ақсарият муассаса ва ташкилотлар, жумладан, вилоят «Галлабанки» бўлими, ҳарбий госпитал, Каттақўрғон туман кенгаши жамоа

Ислохот инсон учун

бирларни ўтказиш мунтазамлик касб этмоқда. Очигини айтганда, жойларда меҳнат қонунлари бузилишига ҳодимлар ўз ҳуқуқларини қонун доирасида талаб қилиш ўрнига, раҳбарга ёмон кўриниб қолмаслиқни хоҳлаши, иш берувчи инти-

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

Вазирлар Мақамаси Фармойишига асосан айти кунларда мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилляпти. Бу муҳим тадбир қатта уюшқоқлик билан ўтказила.

ТИЛСИЗ ЁВ

Бухоро «Транс-терминал» ишлаб чиқариш-транспорт компанияси мамлакатимиз иқтисодий йилни юксалтириши, аниқроғи, миллий бойлигимиз - пахта толасини хорижга экспорт қилишга муносиб улуш қўшиб келмоқда. Қорхонада сақланаётган моддий бойликларни ёнгин офатидан сақлашдек маъсуляти вазифа бизнинг зиммамизга юклатилган. Таъкидлаш керакики, қорхона маъмурияти билан ҳамкорликда худудда ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Жумладан, маъмурий ва ёрдамчи хўжалик бинолари, барча транспорт воситалари техник текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар теғиздан дарак бериши автоматик мосламалар ўрнатилди. 70 та янги ўчирғич воситаси олинди. Шахсий таркибимизни маҳсуус ййим-бош ҳамда замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича украинлик ҳамкорлар билан шартномалар имзоланди.

шаббуси билан 15 нафар ишчи-ходимлардан ташкил толган кўнгилди гуруҳ тузилди. Бундан ташқари, хавфсизликни таъминлаш учун маҳсуус назорат-кузатув хизмати ташкил этилиб, унга вилоят ИИБ қўриқлаш бўлими ва бошқона ходимлари жалб қилинди. Олиб бораётган савий-харакатларимиздан яна бири шуки, аҳоли масканлари ва маҳалларда кенг миқёсдаги тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Қувонарлиси, бу борадаги ишларимиз ўз самарасини бermoқда.

Газетамизнинг шу йил 10 ноябрдаги 179-сониде

Жиззах вилоятининг Баҳмал туманида «Олис қишлоқ муаммолари» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Янгица ана шу танқидий мақола юзасидан вилоят прокуратурасидан хат олдик. Жумладан, унда шундай дейляпти:

«Баҳмал туманидаги «Газтаъминот» бўлими ўз худудидеги 106 та қишлоқларнинг 6319 та хонадонларига, шу жумладан, «Тонготар» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидеги 296 та ва «Тайпоқсой» маҳалла фуқаролар йиғини худудидеги 354 та хонадонларга табиий газ етказиб беради. «Янгибоғ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 150 та хонадонларга эса Самарқанд вилоят Бунлугур тумани «Газтаъминот» бўлими томонидан хизмат кўрсатилди. Мақолада далиллар асосиде ўтказилган текширишларда туман «Газтаъминот» бўлими бошлиғи ва бош хисобчиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида хисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун

Матбуот сўзининг таъсирчанлиги

халла фуқаролар йиғини худудидеги аҳолидан 587 минг сўмлик дебиторлик ва 940 минг сўмлик кредиторлик қарздорлиги мавжуд бўлиб, ўз вақтида шу қарзларни ундириш чоралари қўрилмаган. Шунингдек, текшириш-

ДАЛИЛЛАР ТАСДИФИНИ ТОПДИ

ларда бўлим томонидан табиий газ босими пастлиги баҳонаси билан 771 та хонадонга асоссиз равишда табиий газ етказиб берилмаган. Жумладан, туманининг «Калтаой» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли «Йулдошбой» ва «Барлоос», «Муғол» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Богмазор Уяс», «Новқа», «Боғишамол» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Кўшдарғат», «Арнасой» ма-

ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

«Ўзқспомарказ»да Эрон Исломи Республикаси ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимизнинг Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда ташкил этилди.

Бизнес-семинарда қатор вазирилик ва идоралар, тармок уюшма ва бирлашмалари, савдо ва саноат қорхоналари ходимлари, Ўзбекистон кичик бизнеси вакиллари ва хусусий тадбиркорлар иштирок этди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва Эрон ўртасидеги савдо-иқтисодий муносабатлар муваффақиятли ривожланмоқда, 2003 йилда икки мамлакат президентларининг ўзаро ташрифлари бунга қатта туртки берди. Бугун мамлакатларимиз ўртасидеги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 40 га яқин турли ҳужжат ташкил этиди.

Бизнес-семинар Эроннинг Семнан вилояти ҳокими Хожи Абдулаҳод бошчилигидаги ушбу мамлакат делегациясининг республикамизга ташрифи доирасида ўтказилди. Унинг тарихида Эроннинг йирик фирма ва компанияларининг 120 дан ортиқ вакили бор. Бу фирмалар юқори технология ускуналар, сопол ва тери буюмлар, дори-дармонлар, халқ истеъмолчи моллари, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

«ХУШНУД-МАКОН»

Тўртқўл туманининг Адакаев номи ширкатлар бирлашмасидаги эски боғча биноси қайта таъмирланиб, «Хушнуд-макон» ўқув-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Болалар жағмараси ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказ 20 миллион сўмлик замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бунда тикувчилик, тўқувчилик ва қандолатчилик цехлари ташкил этилди. Айти пайтда қирқга яқин қишлоқ хотин-қизи доимий иш билан таъминланди.

Марказ асосан ишга яроқли ногирон аёллар ва кам таъминланган оилаларнинг уй бекаларини иш билан таъминлаш мақсатиде очилди, - дейди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Х.Ибодуллоева. - Бу ерда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган соғломлаштириш маркази ва йиғирма ўринли болалар боғчаси ҳам иш бошлады.

(ЎЗА)

Ф.ШОКИРОВ, Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ЕХБ 2-маҳсуус алоҳида пост бошлиғи, милиция майори

Р.МУХТИДИНОВ, Жиззах вилояти прокуратури, адлия қатта маслаҳатчиси

